

Олматада «Ўзбекистонда зиёрат туризм» мавзусида тақдимот ўтказилди



09:46 / 18.01.2021 1798

Куни кеча мамлакатимизнинг Олматадаги Бош консуллигида Қозоғистоннинг етакчи сайёҳлик компаниялари ва ташкилотлари вакиллари иштирокида «Ўзбекистонда зиёрат туризм» мавзусида тақдимот ўтказилди. Бу ҳақда «Дунё» АА нашри хабар берди.

Тақдимотда «Акбар Travel Asia» (Хоразм вилояти) бош директори Ислон Ибрагимов ўз компанияси фаолияти ҳақида маълумот тақдим этди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги дунёга машҳур Ислон оламининг қадимий ёдгорликлари ва зиёратгоҳларига ташриф буюриш учун зиёрат туризмни ташкил қилиш бўйича Ўзбекистонда кўрилган чора-тадбирлар хусусида батафсил ахборот берди.

Коронавирус пандемияси шароитида туризм соҳасини ривожлантириш, хусусан, санитария-эпидемиология хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш, шунингдек, хорий сайёҳлар Ўзбекистонда Covid-19 юқтирган тақдирда уларга товон пули тўлашга тартиби тушунтирилди. Туристлик объектларни стандартларга жавоб берадиган сертификатлаш тизимини жорий этилаётгани таъкидланди.

Тур компаниялари раҳбарларига Қозоғистон фуқароларини, жумладан жамоатчилик, ишбилармон доиралар, дин вакиллари ва бошқаларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистонга зиёрат турларини ташкил этишда фаол иштирок этиш таклифи билдирилди.

Учрашув иштирокчилари ўз чиқишларида коронавирус пандемиясига қарамай, қозоғистонликларнинг Ўзбекистон зиёрат туризмига бўлган катта қизиқишини қайд этдилар. Шунингдек, нархларнинг қимматлиги, Олмаота-Тошкент-Олмаота йўналишида авиачипталарни бронь қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳам таъкидланди.

Шу муносабат билан коронавирус пандемияси даврида ҳукуматлараро даражада икки мамлакат туроператорлари ўртасида келишув асосида автобусларда Ўзбекистонга саёҳатлар ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Унга кўра, қуруқлик чегараси бўйлаб ўзбек туроператорларидан сайёҳлик йўлланмаларини сотиб олган туристик гуруҳлар учун «яшил» йўлак яратиш, давлат чегарасини кесиб ўтиш учун фуқаронинг мақомини тасдиқловчи «турист ваучер» тушунчасини жорий этиш каби таклифлари билдирилди.